

ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНИГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Н. Тўраев

ТДИУ, “Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси профессори, и.ф.д

Х.М.Мисиров

ТДИУ, “Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси мустақил изланувчиси
misirovurshid44@gmail.com

Аннотация

Темир йўл корхоналарида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоб сиёсатини тузиш ва унинг таркибий қисмларига кирувчи барча жиҳатларини ўз ичига олувчи босқичлари очиб берилган.

Калит сўзлар: темир йўл корхоналари, бухгалтерия ҳисоби, солик ҳисоби, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС), молиявий ҳисбот.

Кириш

Хозирги туб иқтисодий ўзгаришлар бутун давлатларда рўй берадиган бир вақтда, темир йўл давлат иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, ҳар бир давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим вазифаларни бажаради. Шу сабабли, Республикаизда ҳам "Ўзбекистон темир йўллари" АЖда иқтисодий ислоҳотлар жараёнинда бухгалтерия (молиявий) ҳисобини ислоҳ қилиш жараёнига катта эътибор қаратилган ва қаратилмоқда, темир йўл транспорти иқтисодий солохиётини яхшилаш мақсадида куплаб чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1992 йил 9 декабрда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, 1996 йил 30 августда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинган эди. 2021 йил 25 февралда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, 2016 йилнинг 13 апрелида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳрири қабул қилинди. Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартларига (БҲҲС) асосланган ҳолда Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий стандартлари (1998-2016 йиллар) ишлаб чиқилди. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг иқтисодий фаолият юритишида ҳам жуда кўп муҳум ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда.

Асосий қисм

Ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисбот тузиш учун қабул қиласидаги тартиб усул тушунилади, молиявий ҳисбот уларнинг принциплари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади [1]. Барча хўжалик юритувчи субъектлар жумладан "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ўзларининг ташкилий-хуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳисоб сиёсатини юритишлари лозим.

Ҳисоб сиёсати маҳфий хужжат эмас, сабаби унда Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳисоб юритиш қоидалари акс эттирилган.

Бухгалтерияга оид ҳисоб сиёсатида ҳисботнинг барча элементлари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш усуслари тавсифланиши лозим.

1-жадвал

Ҳисоб сиёсатини тартибга солувчи элемент ва усуслари¹

| Ҳисбот элементи | Усул |
|--|---|
| Асосий воситалар | БХМга тенг сумма, ундан ортиқ мол-мулк АВ сифатида ҳисобга олинади |
| АВнинг эскириши | Тўғри чизиқли / ишлаб чиқариш / жадаллаштирилган |
| АВни жорий таъмирлаш учун харажатлар | Дарҳол давр харажатларига / келгуси харажатлар захирасини яратишга |
| ТМҚ қиймати ҳисобини юритиш | Ҳақиқий қиймати / сотиш қиймати / FIFO / AVECO усули бўйича ҳисоб юритиш қиймати |
| Товарларни харид қилиш бўйича қўшимча харажатлар | Товарлар таннархига / сотиш бўйича харажатларга |
| ТМҚни арzonлаштириш | Қадрсизланиш юзасидан тест ўтказиш сабаблари, даврийлиги |
| Инвентарни ҳисобдан чиқариш | Дарҳол давр харажатларига / 10 БХМдан ортиқ кечикирилган харажатларга |
| Тайёр маҳсулот таннархи калькуляцияси | Ҳақиқий харажатлар бўйича / норматив калькуляция |
| Брак, техник чиқиндилар, қўшимча маҳсулотлар | Тайёр маҳсулот таннархига киритиш нормалари |
| ИЧКХни тақсимлаш | Тушумга / моддий харажатларга / бевосита харажатларга / ишлаб чиқаришга мутаносиб |

Ҳисоб сиёсати тушунчаси ва уни шакллантириш ва тузишнинг ўзига ҳос хусусиятлари услубиёти бўйича адабиётлар шарҳига эътибор қаратамиз.

Агарда олинган маълумотлар ва улар асосида тузилган молиявий ҳисботлар маълум бир даврлар учун қиёсланувчан бўлишлигини назарда тутсак, ҳисоб сиёсати бу мақсадга эришишини таъминловчи восита, десак муболага бўлмайди. М.Рахимов берган таърифга кўра: «Корхона ҳисоб сиёсати – бу корхона томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тузишда унинг асосий қоидалари асосида алоҳида хўжалик жараёнларни акс эттириш ёки мулкни баҳолаш

¹ Муаллифлар ишланмаси

юзасидан белгиланадиган ва ҳисобот йили бўйича тўлиқ амал этадиган шакл ва услублар йиғиндисидир»[2]. Бу билан муаллиф ҳисоб сиёсати тушунчасига кенгроқ таъриф беришга ҳаракат қилган. Лекин, келтирилган бу жиҳатлар ҳисоб сиёсатининг тўлиқ мазмунини очиб бера олмайди. Яъни, улар бу иккала таърифда ҳисоб сиёсатини ким томонидан шакллантирилиши, танланиши борасида фикр билдирилмаган. Чет эл иқтисодчи олимларининг ҳисоб сиёсати тушунчасига доир фикрларининг таҳлили қуидагича. Хусусан, Россия олимларидан О.В.Рожнова ва С.Н.Гришкинларнинг фикрига кўра: «Ҳисоб сиёсати – корхона асосий фаолияти доирасида ва умумий қабул қилинган қоидалар асосида корхона бухгалтерия ҳисобини юритишнинг аниқ усул ва шакллари йиғиндисидир»[3]. Шунингдек, Россия Федерациясининг бухгалтерия ҳисоби бўйича «Корхона ҳисоб сиёсати» тўғрисидаги низомда қуидаги аниқлашлар берилган: «Корхона ҳисоб сиёсати дейилганда, бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари йиғиндиси – дастлабки кузатув, қиймат ўлчови, жорий гурухлаш ва яқуний умумлаштиришлар тушунилади» [5]. Хорижий иқтисодий меъёрий хужжатларда, хусусан АҚШнинг бухгалтерия ҳисобига доир стандартида қуидагилар баён этилган: «Ҳисоб сиёсати-бошқарувда қўлланадиган шундай усуллар, бунда муайян ҳолатларга кўра корхона молиявий аҳволини маҳфилигини таъминлайди, унда юз берган хўжалик фаолият натижаларидағи ўзгаришлар мувофиқлигидир»[7]. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 8-сон «Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар»нинг 5-бандида ҳисоб сиёсатига қуидагича таъриф берилган: «Ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир»[6]. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, корхонанинг ҳисоб сиёсати тушунчасини қуидагича таърифлар билан тўлдириш мумкин: «Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг муқобил тамойиллари ва қоидаларига асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси тушунилади». Демак, ҳисоб сиёсатини шакллантириш мажбурияти ва бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун жавобгарлик айнан корхона раҳбарига юқлатилади. Шунинг учун замонавий раҳбар бу масалаларни яхши англаши, бош бухгалтер эса тегишли равишда расмийлаштирилган хужжаттина муайян муомалани тўғри акс эттириш ҳукукини беришини тушуниши шарт деб ҳисоблаймиз.

Республикамиизда фаолият юритаётган темир йўл корхоналари бухгалтерия ҳисобини миллий стандарт асосида тузиб халқаро стандартларга трансформацияқилинади.

Шундан кўриниб турибдике темир йўл корхоналарида ҳисоб сиёсати 1-сонли БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” [1] номли стандарт асосида тузилади.

Бугунги кунда ҳисоб сиёсати бош бухгалтер ёки шунга ўхшаш функтсияларни бажарадиган бошқа ваколатли ходим томонидан тузилиб

Ҳисоб сиёсати муддати 1 йил, яъни календар йил учун ва раҳбар томонидан тасдиқланади ва ушбу хужжат буйруқ билан расмийлаштириллади. Ҳисоб сиёсати олдиндан тасдиқланган-жорий йилнинг кейинги йили, асосан декабр ойининг сўнгги кунларида кўриб чиқилади.

Бош бухгалтер ҳисоб сиёсатини шакллантириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, мукаммал ва тўлиқ бухгалтерия ёки молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш учун жавобгардир.

Солиқ тизимини тартибга солишнинг асосий хужжатларидан бири бўлиб, корхона учун ҳисоб сиёсати ҳисобланади.

Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисоби ва соликқа тортиш билан боғлиқ бўлмаган

муаммоларни ҳал қилишга ихтисослашган эмас. Ташкилотда ўрнатилган ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисоби ва солик ҳисобини юритишда қўлланма, қонунлар тўплами сифатида қўлланилади.

2-жадвал

Темир йўл корхоналарида ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши

| № | Кўрсаткичлар | Меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар |
|----|--|--|
| 1. | Умумий қоидалар | 1.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари. 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари. 4. Вазирлар маҳкамасининг Низомлари 5.Молия вазирлигининг йўриқномалари. 6.Транспорт вазирлигининг буйруклари. |
| 2. | Солик ҳисобини юритиш учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги. | 1.Тартибга солиб турувчи ташкилотлар, молия бошқарма бошлиғи |
| 3. | Солик мақсадларида бухгалтерия сиёсатини қабул қилиш мақсади. | -солик регистрларини тузиш шакллари ва тартибини белгилаш; -хужжатга риоя қилиш учун масъул -mansabдор шахсларнинг маълумотларини ошкор қилиш; -алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини ва қўйидаги ҳолларда солик солиш мақсадларини белгилаш; -даромад солиғини ҳисоблаш, шунингдек қўшилган қиймат солиғини таснифлаш ва ҳисобга олиш учун харажатларни тақсимлаш усулларини танлаш; - асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация нормаларини (ҳисоблаш усулларини) белгилаш. |
| 4. | Асосий фаолият корхоналари томонидан бошқа соликларни тўлаш хусусиятлари | юридик шахлардан олинадиган фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик: ер солиғи; мулк солиғи; ягона ижтимоий тўлов. шахсий жамғарив бориладиган пенсия ҳисобваракларига ажратмалар; амалдаги қонунчиликка мувофиқ касаба уюшма бадалларини ушлаб қолиш ва ишчиларнинг иш ҳақидан бошқа ажратмалар. |

| | | |
|----|---|---|
| 5. | <p>Бирламчи бухгалтерия хужжатларини юритиш, солик регистрларини, корхоналар ва бўлинмаларни тузиш хусусиятлари</p> | <p>Дастлабки бухгалтерия хужжатларини юритиш, унга бўйсунадиган бўлинмаларга ‘га бўлган корхонанинг солик регистрларини тузиш хусусиятлари унинг таркибий бўлинмаларининг мақомига боғлиқ - улар мустақил солик тўловчиларми ёки йўқми. Солик мажбуриятини бажариш, марказлаштирилган солиқлар бундан мустасно, тўғридан-тўғри корхоналар ва бўлинмалар томонидан амалга оширилади. Марказлаштирилган солиқлар бўйича солик мажбуриятини бажариш "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ га Юкландган</p> |
|----|---|---|

АЛОХИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Ташиб фаолияти учун сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун даромадлар, харажатлар ва ҚҚС ҳисобини алоҳида ҳисобга олиш мутаносиб равиша амалга оширилади.

Ташиб фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадлар ва харажатлар бўйича корхоналар алоҳида бухгалтерия ҳисобини тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули билан юритишлари мумкин.

Пудрат фаолияти билан боғлиқ даромадлар бўйича корхоналар ва бўлинмалар сотиб олинган товарлар ва хизматлар бўйича материаллар, ишлаб чиқариш харажатлари ва ҚҚСни ҳисобга олишнинг алоҳида ҳисобини юритадилар, тўғридан тўғри ҳисобга олиш усули билан юритадилар.

ҚҚСни йиғма ҳисоблашда сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун ҚҚСни ҳисобга олиш мутаносиб равиша тақсимланади.

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, темир йўл корхоналарида ҳисоб сиёсати солик мақсадида тузилган ҳамда солик билан боғлиқ бўлган бухгалтерия жиҳатларига катта эътибор берилган.

Аммо, ҳозирги кунда республикамида акциядорлик жамиятлари ва йирик солик тўловчи корхоналарда 2015 йилдан бошлаб молиявий ҳисбот БХМСдан МХХСга трансформация қилиш жараёни амалга ошириб келинмоқда[3].

Шундан келиб чиқсан ҳолда, Ҳисоб сиёсати 8-БХХС “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар” [6] номли стандартга асосан тузишмиз мақсадга мувофиқдир.

Ушбу стандартга асосан ҳисоб сиёсати Зта қисмдан иборат.

- Ҳисоб сиёсати;
- Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар;
- Хатоларни тузатиш.

Шундан кўришимиз мумкин, ҳалқаро стандартлар асосида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш долзарб муомолардан биридир.

Мисол тариқасида, асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг 4 хил усули мавжуд бўлиб, уни ҳисоб сиёсатига мажбурий равиша киритиш, бу ҳисоб сиёсатига кирмайди.

Шунинг учун асосий воситаларга қайси усул билан эскириш ҳисобланса, ҳисоб сиёсатидаги баҳолар бўлиб ҳисобланади.

Агар асосий воситаларнинг хизмат муддати қайтадан баҳоланса унга ўзгартириш киритилса, бу эса ҳисоб сиёсати бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, 8-БХХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларини ўзгартириш ва хатолар” [6]га асосан, учта қисмга бўлиш юридик шахс ҳамда уни шўъба корхоналари молиявий ҳисботларини тузишида бир хиллик тизимиға эришишга, хорижий инвесторлар учун молиявий ҳисботларни тўғридан-тўғри ҳисоб сиёсатига мос эканлигига ишонч ҳосил қилишга, молиявий ҳисботларни шакллари ва уларнинг иловалардаги моддаларни тўлиқ тушуниш ҳамда ундан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш учун асосий манба сифатида фойдаланиш имконияти ошади.

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиқан ҳолда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш учун аввало, йилмайил молиявий ҳисботлар милий ва халқаро стандартлар асосида тузилиш жараёни билан тўлиқ таниш бўлиши ҳамда амалиётда ушбу ҳисоб сиёсатини қўллаш орқали молиявий ва солик ҳисботларини тузишини тартибга солишдаги қийинчиликларни бартараф этиш имконига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот». 1998.
2. Рахимов М. Бозор иқтисодиёти шароитида дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш.: Автореф. дис.... канд. экон. наук -Т.: 1999.
3. Norbekov D., To’rayev A., Raxmonov Sh. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari. O’quv qo’llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –350 b.
4. Учетная политика предприятия : Формирование, раскрытие / О.В. Рожнова, С.Н. Гришкина. - М. : Экзамен, 2001. - 158, [1] с. : табл.; 21 см.; ISBN 5-8212- 0244-2
5. "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008). Приказ Минфина России от 06.10.2008 N 106н (ред. от 28.04.2017) "Об утверждении положений по бухгалтерскому учету" (вместе с "Положением по бухгалтерскому учету "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008)".
6. БХХС-8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”. 2012 йил 1 январь.
7. [https://www.readyratios.com/usgaap/AccountingPolicies/](https://www.readyratios.com/usgaap/AccountingPolicies/US Generally Accepted Accounting Principles, Other Comprehensive Basis of Accounting, IFRS. https://www.readyratios.com/usgaap/AccountingPolicies/)